



UZBEKISTAN'S FOREIGN POLICY: AN ACTIVE AND PRAGMATIC APPROACH BASED ON FUNDAMENTAL NATIONAL INTERESTS

S.I. Saidolimov

Professor, Doctor of Political Sciences

Tashkent State University of Oriental Studies

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Strategy of action, face-to-face dialogue, Organization of Islamic Cooperation, Shanghai Cooperation Organization, Commonwealth of Independent States.

Received: 14.05.22

Accepted: 16.05.22

Published: 18.05.22

Abstract: The great Chinese philosopher Confucius, who left his mark on the history of mankind with his political and social views and enlightenment teachings, emphasized an important point two and a half thousand years ago: “There is no need to be afraid of change. They usually happen because of necessity”.

ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТИ: ТУБ МИЛЛИЙ МАНФААТЛАР АСОСИДА ҚУРИЛГАН ФАОЛ ВА ПРАГМАТИК ЙЎЛ

С.И. Саидолимов

Профессор, сиёсий фанлар доктори

Тошкент давлат шарқишунослик университети

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Ҳаракатлар стратегияси, юзма-юз мулоқот, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги.

Аннотация: Инсоният тарихида ўзининг сиёсий-ижтимоий қарашлари, маърифий таълимоти билан алоҳида из қолдирган буюк хитой файласуфи Конфуций бундан икки ярим минг йил аввал муҳим бир фикрни таъкидлаб, шундай деган эди: “Ўзгаришлардан қўрқиш керак эмас. Улар одатда айнан зарурат туфайли юз беради”.

ВНЕШНЯЯ ПОЛИТИКА УЗБЕКИСТАНА: АКТИВНЫЙ И ПРАГМАТИЧНЫЙ ПОДХОД, ОСНОВАННЫЙ НА ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ НАЦИОНАЛЬНЫХ ИНТЕРЕСАХ

С.И. Саидолимов

Профессор, доктор политических наук

Ташкентский государственный университет востоковедения

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова:	Стратегия действий, диалог лицом к лицу, Организация исламского сотрудничества, Шанхайская организация сотрудничества, Содружество Независимых Государств.	Аннотация:	Великий китайский философ Конфуций, оставивший след в истории человечества своими политическими и социальными взглядами и просветительскими учениями, еще две с половиной тысячи лет назад подчеркивал важный момент: «Не нужно бояться перемен. Обычно они случаются из-за необходимости».
------------------------	--	-------------------	---

КИРИШ

Дархақиқат, сўнгги беш йилда Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар, давлатимиз ва жамиятимиз ривожига кескин бурилишларнинг мазмун-моҳиятига назар ташлайдиган бўлсак, улар бугунги давр талаби ва кўпмиллатли халқимиз манфаатларидан келиб чиқиб амалга оширилаётганини кўрамиз. Шунинг учун ҳам бу ислохотлар мамлакатимиз тарихида янги давр, яъни юксалиш ва тараққиёт босқичини бошлаб бераётган янгиланишлар сифатида баҳоланмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси ҳамда жамоатчиликнинг кенг иштироки ва қизғин муҳокамалар асосида қабул қилинган **2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси**[1] доирасида ишлаб чиқилган, жаҳон майдонида миллий манфаатларимизни қатъий ҳимоя қилишга қаратилган мутлақо янги ички ва ташқи сиёсат муҳим роль ўйнамоқда.

АСОСИЙ ҚИСМ

Юртимизда аввало, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш борасида муҳим тарихий қадамлар қўйилди. Халқ билан бевосита ва юзма-юз мулоқот қилиш, жойларда одамларни қийнаётган муаммоларни ечиш бўйича ўзига хос ноёб тизим яратилди. Сўз ва диний эътиқод эркинлигини таъминлашда катта ютуқларга эришилди.

Жамиятимизда кенг авж олган, одамларни қийнаб келган мажбурий меҳнатга, айниқса, болалар меҳнатига барҳам берилди. Шунингдек, узоқ йиллар давомида

фуқароликдан маҳрум бўлиб келган юртдошларимизга Ўзбекистон фуқаролигини беришнинг адолатли тизими шаклланди.

Мамлакатимиз иқтисодиётида барқарор ўсиш суръатлари ва аҳоли даромадлари ортиши таъминланмоқда. Миллий валютаимизнинг эркин конвертацияси йўлга қўйилди. Солиқ сиёсати соҳасида кенг миқёсдаги ислохотлар бошланди.

Юртимизда аҳоли ўртасида камбағаллик мавжудлиги илк бор очик тан олинди, уни қисқартириш бўйича миллий дастурлар ишлаб чиқилди ва ҳаётга изчил тадбиқ этилмоқда.

Энг муҳими, ана шундай кенг қўламли ислохотлар туфайли одамларда эртанги кунга, ҳокимият идоралари ишонч пайдо бўлиб, уларнинг ўзи инсоннинг ҳақ-ҳуқуқи ва эркинликларини реал қадриятга айлантириш жараёнида фаол иштирок этмоқда.

Жорий йилнинг 24 декабрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида халқимиз ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириб, бундан беш йил олдин танланган тараққиёт йўлини қатъий қўллаб-қувватлашини яна бир бор амалда намоён этди.

Янгича қараш ва ёндашувлар асосида олиб борилган ички сиёсат, унинг мантиқий давоми сифатида мамлакат ташқи сиёсатида ҳам ўз аксини топмоқда. Бу борада очик, прагматик ва амалий ташқи сиёсат юритиш, дунё давлатлари, айниқса, қўшни давлатлар билан яқин дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш мамлакатимиз ташқи сиёсатининг устувор тамойиллари сифатида белгилаб олингани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўтган қисқа даврда амалга оширилган амалий ташқи сиёсат натижасида юртимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузи ва обрў-эътибори ортиб, унинг мутлақо янгича демократик қиёфаси шаклланди. Дунёнинг узоқ ва яқин мамлакатлари билан ўзаро манфаатли алоқалар йўлга қўйилди. Натижада ўтган беш йилда Ўзбекистон раҳбарияти томонидан дунёнинг етакчи давлатларига (**АҚШ, Европа Иттифоқи давлатлари, Россия, Хитой, Япония, Жанубий Корея, Туркия, Эрон, Бирлашган Араб Амирликлари ва бошқалар**) 80 га яқин олий ва юқори даражадаги ташрифлар амалга оширилди.

Ўзбекистоннинг нуфузли халқаро ташкилотлар, жумладан, **Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг** ихтисослашган муассаса ва институтлари, **Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги** каби минтақавий тузулмалар доирасидаги фаолияти сезиларда даражада жонланиб, янгича маъно-мазмунга эга бўлиб бормоқда.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан алоқалар қайта тикланди. **Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки** каби дунёнинг йирик иқтисодий, молиявий ва инвестицион ташкилотлари билан алоқалар

изчил ривожланмоқда. Фаол иқтисодий дипломатия Ўзбекистоннинг янгиланган ташқи сиёсатининг устувор йўналишига айланди.

Мамлакатимизнинг дипломатик ваколатхоналари кўмагида умумий қиймати **30 миллиард доллардан** зиёд **1000 га** яқин инвестициявий лойиҳалар ва савдо шартномалари ишлаб чиқилди. Ўзбекистонга сармоя йўналтираётган давлатлар сони 50 тадан ортиди. БМТнинг ЮНКТАД ташкилоти маълумотида кўра, мамлакатимиз Марказий Осиёда инвестициялар оқимининг ўсиш кўрсаткичи бўйича етакчи давлатга айланди.

Ана шу қисқа даврда Ўзбекистон **Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига** аъзо бўлди, **Евроосиё иқтисодий иттифоқида** кузатувчи мақомини олди. Мамлакатимиз ўз тарихида биринчи марта **БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига** аъзо этиб сайланди. **Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига** раислик вазифасини муваффақиятли амалга оширди.

Табиийки, изчиллик билан илгари сурилган конструктив руҳдаги янги сиёсий ташаббуслар дунё ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари асосида БМТ Бош Ассамблеясининг 4 та муҳим резолюциялари қабул қилингани ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Бу ҳақда сўз юритганда 2021 йил май ойида БМТнинг **Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар ҳудуди** деб эълон қилиш тўғрисидаги махсус резолюцияси қабул қилинганини таъкидлаш лозим.

Шунингдек, Ўзбекистон раҳбарияти ташаббуси асосида Орол денгизи ҳалокати оқибатида юзага келган экологик фожиалар таъсирини юмшатишга қаратилган БМТ билан ҳамкорликда **Оролбўйи минтақасида инсон хавфсизлигини таъминлаш бўйича кўп томонлама Траст фонди** ташкил этилгани ҳам диққатга сазовордир.

Ўзбекистоннинг глобал ва умумбашарий муаммоларни ечиш борасида илгари сурган ташаббуслари ва амалий ҳаракатлари туфайли дунё давлатлари томонидан Янги Ўзбекистонга нисбатан сиёсий ишонч руҳи юксак даражадага кўтарилиб, мамлакатимиз билан стратегик ҳамкорликка бўлган интилиш тобора кучайиб бормоқда.

Айниқса, азал-азалдан ўзаро қардош ва биродар бўлган Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлик алоқалари бугунги кунда сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилгани муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистон раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида Марказий Осиё минтақаси мамлакат ташқи сиёсатининг муҳим устувор йўналиши эканини алоҳида таъкидлаб, Марказий Осиё бўйича махсус резолюция қабул қилиш ташаббусини илгари сургани бу жараёнга янада катта туртки берди[2].

Айни шу асосда БМТ Бош ассамблеяси 2018 йилда илк бор **“Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш”** резолюциясини қабул қилди. Ана шу муҳим ҳужжатнинг қабул қилиниши Марказий Осиё мамлакатлари минтақа тақдири учун маъсулиятни тўлиқ ўз зиммаларига олишга тайёр эканини тасдиқлаб бергани билан алоҳида эътиборга сазовордир.

БМТ Бош котибининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Наталия Герман қайд этганидек, *“Ўзбекистон ташаббуси билан қабул қилинган ушбу резолюция муҳим тарихий ҳужжат сифатида, Марказий Осиё давлатлари ўртасида ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик муҳитини мустаҳкамлаш учун мустаҳкам замин яратди. Минтақа давлатлари раҳбарларининг ушбу ҳудуддаги барқарор тараққиёт борасидаги қатъий сиёсий иродасини намоён этди[3].*

Минтақавий муносабатларнинг янги босқичга чиқишида Ўзбекистон раҳбарияти ташаббуси билан 2017 йили Самарқанд шаҳрида БМТ шафелигида ўтказилган **"Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик"** халқаро конференция яна бир муҳим қадам бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган яна бир муҳим ташаббуснинг амалий ифодаси **Марказий Осиё давлат раҳбарларининг Маслаҳатлашув кенгашининг** ўтказилиши бўлди. Ўзбек дипломатиясининг улкан ютуғи сифатида эътироф этилган ушбу формат унинг иштирокчилари ва халқаро кузатувчилар томонидан юқори баҳоланиб, Ўзбекистон лидерининг сиёсий иродаси туфайли минтақа давлатлари ҳамжиҳатлигида янги давр бошлангани, келажак учун ҳамкорлик эшиклари янада кенг очилгани алоҳида қайд этилди.

Ушбу кенгаш доирасида бўлиб ўтган йиғилишларда ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг муҳим жиҳатлари бўлмиш минтақада транспорт-коммуникация имкониятларини янада ривожлантириш, сув ва энергетика ресурсларидан биргаликда оқилона фойдаланиш, маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш каби масалалар қизғин муҳокама этилиб, амалий келишувларга эришилмоқда. Натижада бугунги кунда қўшни давлатлар ўртасида узоқ йиллар давомида тўпланиб қолган трансчегаравий, сув ресурсларидан фойдаланиш, чегараларни делимитация ва демаркация қилиш, чегара пунктларини кесиб ўтиш каби долзарб муаммолар ҳал этилди. Чегаралар очилиб, халқларимиз ўртасидаги ўзаро борди-келдилар тикланди. Савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқалар ривожига янги туртки берилди.

“Ўзбекистон раҳбарияти томонидан Марказий Осиёда сиёсий ҳамда иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича қатъий қадамлар ташланди. Бу саъй-ҳаракатлар

минтақада бутунлай янги муҳитни шакллантирди. Европа иттифоқи минтақада, жумладан, Ўзбекистонда кечаётган ижобий ўзгаришларни ҳамда барқарор иқтисодий тараққиёт йўлида танлаган стратегияни тўлиқ қўллаб-қувватлайди”, деб қайд этади Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги делегацияси раҳбари Эдуард Стипрайс.

Маълумки, тарихан жаҳон цивилизациялари чорраҳасида жойлашган Марказий Осиё ўзининг географик жойлашуви жиҳатидан муҳим стратегик ҳудуд ҳисобланади. Шунингдек, бой табиий-энергетик ресурслар, илмий-техникавий салоҳият минтақанинг замонавий халқаро муносабатлар тизимидаги ўрни ва ролини белгилашда муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Умумий майдони 4 миллион кв.км. ни ташкил этган ушбу минтақа тарихий, маданий, диний-маърифий ҳамда иқтисодий жиҳатдан ягона тизимни ташкил этган ҳолда, дунё ҳамжамияти учун улкан геоиқтисодий ва геосиёсий аҳамият касб этади.

Ҳар бир минтақанинг умумий ҳолатини аниқлашда аввало унинг геосиёсий омиллари эътиборга олинади. «Геосиёсат» халқаро муносабатлар назариясининг энг асосий тушунчаларидан бири бўлиб, маълум бир тарихий шароитда давлатнинг ҳудудий жойлашуви асосида ўрганиладиган сиёсий билимлар мажмуасини ташкил этади. Бу эса географик омиллар давлат сиёсати билан ўзаро узвий боғлиқ эканини англатади. Шу жиҳатдан қараганда, ҳар бир давлат ўзининг географик жойлашуви ва мавжуд имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ўз сиёсатини белгилаши, акс ҳолда эса бир қатор жиддий муаммоларга дуч келишига геосиёсий назарияларда алоҳида урғу берилади.

Юқорида таъкидланганидек, Марказий Осиё Шимол ва Жануб, Шарқ ва Ғарбни транспорт-коммуникация йўллари билан боғлашда ўта муҳим ҳудуд саналади. Ушбу макондан юз йил илгари Европадан Хитой ва Ҳиндистон мамлакатларигача Буюк ипак йўли бўйлаб савдо қарвонлари қатнаган бўлса, бугунги кунда мазкур йўналишларни қайта тиклаш борасида бир қатор амалий ишлар олиб борилмоқда. Сўнгги йилларда ушбу ғояни рўёбга чиқаришдан манфаатдор давлатлар сони ортиб бормоқда ва янги Буюк ипак йўлини барпо этиш тобора реаллашмоқда.

Трансмиллий темир йўл магистрали, автомобиль йўлларининг қурилиши ва транспорт коммуникациялари билан Афғонистон ҳудуди орқали жанубга чиқиш имкониятларининг кенгайиши билан бу масала янада долзарблашмоқда.

Ўзбекистон раҳбарининг ташаббуси билан 2021 йил июнь ойида Тошкент шаҳрида **“Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар”** мавзусида ўтказилган халқаро конференция бунинг яққол амалий ифодаси бўлди, десак тўғри бўлади. Конференция доирасида мамлакатимиз томонидан илгари сурилган янги таклиф ва ташаббуслар нафақат ушбу бепоён минтақалар давлатларида,

балки жаҳон ҳамжамиятида ҳам катта қизиқиш уйғотди. Хусусан, Марказий Осиёни Ҳинд океани билан боғлайдиган янги транспорт йўллари барпо этиш масалалари кенг муҳокама қилинди.

Келажақда Буюк ипак йўлининг Хитой ва Жанубий Осиё билан туташтирадиган қисмининг қайта тикланиши минтақавий транспорт йўллари аҳамиятини оширишга, уларнинг транзит имкониятларини кенгайтиришга, сармояларни жалб этиш учун мустаҳкам асосларни яратишга катта имкон беради. Шу билан бирга, бу давлатлараро савдо-иқтисодий ва маданий алоқаларни фаоллаштиришга кўмаклашади.

Маълумки, минтақа нефть ва газ, олтин, уран ва рангли металллар захираларига бой. Маълумотларга кўра, Марказий Осиё минтақасининг нефть захиралари 17 миллиард баррелдан 33 миллиард баррелни ёки дунёдаги жами нефть захираларининг 7,2 фоизини ташкил этади. Бу ердаги табиий газ захиралари эса 230 дан 360 триллион куб футни ёки жаҳондаги умумий газ захираларининг 5 фоизини ташкил этади. Уран захиралари ҳақида сўз юритадиган бўлсак, дунёдаги уран конларининг 19,7 дан 30 фоизгача бўлган қисми айнан ушбу минтақада жойлашган.

Истиқболда бу ҳудудда катта миқдорда углеводород захираларининг кашф этилиши ривожланган давлатлар манфаатларини ўзига жалб этиши табиийдир. Чунки, Марказий Осиё ва Каспий минтақасидаги энергоресурслар жаҳон иқтисодиётида муҳим аҳамият касб этиб, дунё бозорларига нефть ва газ трубаларини қайси йўл, қайси давлатлар ҳудудлари орқали олиб ўтилиши қудратли стратегик кучлар учун ўта долзарб масалалардан бири ҳисобланади[4].

Масаланинг яна бир жиҳати борки, минтақа давлатлари улкан геосиёсий майдонни эгаллашига қарамасдан, денгиз коммуникацияларидан анча узоқда жойлашган. Шунингдек, Афғонистонда тўлиқ тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш учун ҳали кўплаб вазифаларни ҳал этиш зарур. Халқаро терроризм, диний ва сиёсий экстремизм, наркобизнес, сепаратизм, уюшган жиноятчилик каби таҳдид ва хавф-хатарлар минтақада ҳануз сақланиб қолмоқда. Шу билан бирга, вазиятни бекарорлаштиришга олиб келадиган қатор иқтисодий-ижтимоий масалалар, демографик ва экологик муаммолар минтақа доирасида ҳам, унинг ташқарисида ҳам мавжудлигини инкор этиб бўлмайди.

Шу маънода Ўзбекистон раҳбари томонидан ўтган беш йил мобайнида минтақа давлатлари раҳбарлари билан 60 дан зиёд олий даражадаги ҳамда турли минтақавий ва халқаро тадбирлардаги учрашув ва музокаралар ўтказилиб, қатор ижобий натижаларга эришилгани бекиёс аҳамиятга эга.

Айниқса, **Туркменистон Республикаси** билан стратегик шериклик ўрнатилгани, икки давлат ўртасида Амударёдан ўтувчи автомобиль ва темир йўл кўприклари

фойдаланишга топширилгани, ўзаро алоқалар мустаҳкамланганини алоҳида таъкидлаш зарур. Шунингдек, Орол денгизи экотизимини қайта тиклаш, трансчегаравий дарёлар сувларидан оқилона фойдаланиш бўйича қатор келишувларга эришилгани ҳам муҳим кадамдир.

Қозоғистон Республикаси билан стратегик шерикликни янада мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор муҳим ҳужжатлар, иқтисодий келушувлар, савдо-иқтисодий ва сармоявий битимлар имзоланди, ҳудудлараро алоқалар мустаҳкамланди. Чегара ўтказиш пунктлари фаолияти қайта тикланди. "Тошкент-Олмаота" йўналиши бўйича темир йўл қатнови йўлга қўйилди.

Қирғизистон Республикаси билан Давлат чегараси тўғрисида шартнома, Чегара ҳудудида ишонч чоралари тўғрисида битим ва Стратегик шериклик тўғрисидаги декларация имзоланди. Ўзбек-қирғиз давлат чегарасидаги қатор ўтказиш пунктлари очилди.

Узоқ давом этган танаффусдан сўнг 2018 йил март ойида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистон делегациясининг **Тожикистон Республикаси**га биринчи давлат ташрифи амалга оширилди. Шу йилнинг ўзида Тожикистон Президенти Имомали Раҳмон мамлакатимизга ташриф буюрди. Бугунги кунда икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар жадал суръатларда ривожланиб, савдо-иқтисодий алоқалар мустаҳкамланмоқда. Тошкент ва Душанбе ўртасида авиа қатновлар йўлга қўйилиб, икки мамлакат давлат чегарасида **17 та** ўтказиш пункти ўз фаолиятини бошлади.

Чегара пунктларидаги тўсиқларнинг олиб ташланиши натижасида Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатлари фуқаролари ўртасида алоқалар тубдан яхшиланди. Агар 5 йил олдин Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги чегара пунктларида бир суткада **200-300 нафар** фуқаро ўтган бўлса, ҳозирги кунда бу рақам **30 минг нафарга** етди. Тожикистон билан чегара пунктларини ҳам суткасига **20 минг** нафар фуқаро кесиб ўтмоқда.

Давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш борасида Ўзбекистон ҳукумати делегацияси томонидан қўшни мамлакатлар билан жами 63 та, жумладан, **Қозоғистон** билан 17 та, **Қирғизистон** билан 27 та, **Тожикистон** ва **Туркменистон** билан 9 мартадан музокаралар олиб борилди. Натижада Қозоғистон билан давлат чегараси чизиқларини делимитация қилиш ишлари якунланди. Қирғизистон билан чегаранинг **95 фоиз** қисми бўйича келишувга эришилди. Тожикистон билан чегаранинг **99,9 фоиз** қисми келишилди.

Марказий Осиёда шаклланган дўстона ва яхши қўшничилик муҳити, ўз навбатида, минтақанинг савдо-иқтисодий салоҳияти ва имкониятларининг кенгайишида муҳим омил бўлмоқда. Масалан, Ўзбекистон ва минтақа давлатлари ўртасида савдо айланмаси 2016 йилда **2,4 миллиард долларни** ташкил этган бўлса, ушбу рақам 2019 йилга келиб **5,2**

миллиард долларга етди. Пандемия шароитига қарамасдан, 2020 йилда товар айланмаси **3,8 миллиард долларни** ташкил қилди.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан инвестицион ҳамкорлиги ҳам жадал ривожланмоқда. Такқослаш учун қуйидаги рақамларни келтирмоқчимиз: 2017 йилда Ўзбекистон ҳудудида минтақа давлатлари сармояси иштирокида **312 та** корхона фаолият кўрсатган бўлса, 2020 йилда бу рақам **4 баробар** ошиб, **1357 тага** етди. Масалан, Қозоғистон сармояси иштирокидаги корхоналар сони 2017-2020 йилларда **281 тадан 896 тага**, Қирғизистон сармояси иштирокидаги корхоналар сони **57 тадан 175 тага** етиб, Тожикистон ва Туркменистон корхоналари сони эса **180 ва 140 тадан** ортди. Айни даврда қўшни давлатларга киритилган ўзбек сармоясининг улуши ҳам кўпайиб бормоқда.

Бу эса минтақанинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаб, хорижий давлатлар ва халқаро молиявий институтлар учун ҳам қулай инвестицион муҳит яратмоқда. Биргина мисол: 2016-2019 йилларда минтақа давлатлари иқтисодиётига жалб қилинган хорижий инвестициялар **40 фоизга** ошиб, **37,6 миллиард долларни** ташкил этди. Минтақа давлатларининг хорижий мамлакатлар билан ташқи савдо айланмаси ана шу даврда **56 фоизга** ошиб, **168,2 миллиард долларга** етди.

Албатта, ушбу кўрсаткичларнинг яхшиланиши минтақа ялпи ички маҳсулотининг жадал ўсишига олиб келмоқда. Хусусан, 2016 йилга нисбатан 2019 йилда минтақа ЯИМ **19,6 фоизга** ўсиб, **302,8 миллиард долларга** етди. Пандемия шароитига қарамасдан, 2020 йилда бу кўрсаткич атиги **2,5 фоизга** камайиб, **295,1 миллиард доллар** атрофида бўлди.

Дунёдаги нуфузли халқаро сиёсий-ижтимоий нашрлардан бири **“The Diplomat”** бу жараёнга баҳо бериб, қуйидаги фикрларни баён қилади: ***“Ўзбекистон раҳбарининг минтақада олиб бораётган янгиланган ташқи сиёсати, очиқ ва конструктив мулоқот борасидаги сиёсий иродаси тўғрисида қўшни давлатлар билан сақланиб қолган муаммолар ҳал этилмоқда. Бу барча амалий ишлар Ўзбекистоннинг минтақа ва халқаро даражадаги имижини яхшиланишига хизмат қилмоқда”***[5].

АҚШ ҳукумати томонидан 2020 йилда илк бор Марказий Осиё минтақаси бўйича **“Мустақилликни мустаҳкамлаш ва иқтисодий фаровонлик”** деб номланган махсус Стратегиянинг қабул қилиниши минтақамизда юзага келаётган янги сиёсий воқеликнинг яна бир халқаро эътирофи бўлди.

Ўзбекистоннинг минтақавий ташқи сиёсати ҳақида гап кетар экан, унинг яна бир муҳим йўналиши бўлган Афғонистондаги бугунги вазият, ушбу мамлакатда тинчлик ва иқтисодий барқарорликка эришиш масаласига алоҳида тўхталиб ўтиш ўринлидир.

Мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги даврига қадам қўйган биринчи кунлардан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан Афғонистон

масаласи бўйича мутлақо янги концептуал ёндашув илгари сурилди. Эндиликда Афғонистон Марказий Осиёнинг ажралмас бир қисми, афғон халқи эса асрлар давомида минтақа давлатлари халқлари билан ягона маданий-цивилизацион маконда яшаб келган халқ сифатида эътироф этилмоқда[6].

ХУЛОСА

Ўзбекистон раҳбариятининг ташаббуси билан 2018 йил январь ойида БМТ Хавфсизлик Кенгашида Марказий Осиё давлатлари ташқи ишлар вазирлари иштирокида **“Хавфсизлик ва тараққиётнинг ўзаро боғлиқ модели сифатида Афғонистон ва Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликни йўлга қўйиш”** мавзусида махсус учрашув ташкил қилинди. Ушбу учрашув орқали Марказий Осиё давлатларининг Афғонистон масаласи бўйича ягона позициясини шакллантиришга эришилди. Хусусан, Афғонистонни Марказий Осиёнинг савдо-иқтисодий ва инфратузилмавий лойиҳаларига кенг жалб этиш бўйича минтақа давлатларининг янгича ҳамкорлик фаолиятининг асосий йўналишлари белгилаб олинди.

Мухтасар қилиб айтганда, минтақада кузатилаётган ана шундай ижобий тенденциялар Марказий Осиёда жиддий сиёсий трансформация жараёнлари кечаётгани, бунда очиқлик ва конструктивлик, ўзаро ишонч ва ҳурмат тамойиллари борган сари мустаҳкамланаётганини кўрсатмоқда. Бу эса Марказий Осиёнинг яқин келажакда дунёдаги интеграция жараёнларига барқарор ривожланаётган ягона макон сифатида кириб бориши ҳамда унга янгича сифат ва мазмун бағишлашига умид уйғотади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясини тўғрисида”ги ПФ-4947 Фармони
2. Ш.Мирзиёев. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 2018, 2-том, 248-249 бетлар.
3. “Янги Ўзбекистон” гезетаси, 15 июль 2021 йил.
4. Saidolimov S. Foreign Policy of Uzbekistan: An Active and Pragmatic way Built on the Basis of National Interests // Central Asian Journal of Social Sciences and History. – volume 02, ISSUE: 12, 2021. –P. 96-102. ISSN: 2660-6836. [http:// www.cajssh.centralasianstudies.org](http://www.cajssh.centralasianstudies.org)
5. “The Diplomat” журнали, 2018 йил 24 май // thediplomat.com
6. Saidolimov S. Deepening complementarities between South Korea and Uzbekistan // International Science Journal: Theoretical & Applied Science. – volume 77, ISSUE 09, 2019. – Philadelphia, USA. –P. 450-453. p-ISSN 2308-4944; e-ISSN 2409-0085. <http://www.t-science.org> (SIS–Impact Factor: 0.912).